



**Ўзбекистон Қаҳрамони
Мухамадиев Раҳман Омановичнинг
75 йиллик юбилейи олдидан**

Мухамадиев Раҳман Оманович 1948 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган.

1969 йил Самарқанд тиббиёт институтини имтиёзли таълим билан тугатган. 1969 ва 1974 йилларда Москвадаги Бурденко номидаги нейрохирургия илмий текшириш институтида нейроофтальмология ихтисослиги бўйича клиник ординатура ва аспирантурада ўқиган ва 1974 йил муддатидан олдин Кўз тубидаги кўриш нерви шишларини флюоресценс ангиография ёрдамида аниқлаш мавзусида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилган.

1975 ва 1980 йиллар Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонасида врач, бўлим мудир лавозимлари да ишлаган ва 1977 йилда Ўзбекистон Республикасида кўз микрохирургиясига асос солган. 1981 ва 1984 йилларда Афғонистоннинг Қобул шаҳридаги клиникада офтальмолог бўлиб ишлаб 20 000 дан ортиқ беморларнинг кўз касалликларини даволаган.

1984 –1986 йиллар Денов туманида бош врач бўлиб ишлаган даврда туманда 100 ўринли туғуруқхона, туман стоматология поликлиникаси ва туман катталар поликлиникасини, офтальмология, неанотология бўлимларини ташкил қилган.

1986 ва 2008 йилларда Сурхондарё вилояти офталмология шифохонасида бош врач лавозимида ишлаб операция жараёнларини бир йилда 3000 тагача чиқарган. 2006 йил Ксенотрансплантатни клиник офталмохирургияда қўллаш мавзусида докторлик диссертациясини илмий маъруза шаклида ёқлаган.

300 дан ортиқ илмий мақолалар ва 23 та ихтиролар муаллифидир. Ихтироларнинг 20 таси Россияда қайд этилган. Бу ихтиролар 12 дан ортиқ кўз касалликларини даволашда кенг қўлланилди.

2015-2021 йиллар Самарқанд давлат тиббиёт институти офтальмология кафедрасида профессор. 2021 йилдан Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали офтальмология кафедрасида профессор лавозимида фаолият кўрсатиб келаяпти. Шу даврда 30 та ўқув услубий қўлланма, 5 та магистрлар ва клиник ординатор ҳамда врачлар учун Офтальмоксенопластика, Кристаллография слезы ва офтальмологии, Катаракта фактоэмулсификацияси (2019) китобларини чоп қилган. 2 та монографияси Евросоюз нашриётида чоп қилинган. 2020 йилда ўзбек, рус ва инглиз тилларда тиббиёт институтлари талабалари учун ўқув дарслик ёзиб чоп эттирган. 2002 йил Германиянинг Гонновер шаҳрида ўтказилган Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш кўргазмасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб ксенотрансплантатни намойиш қилган.

Илмий амалий тажриба алмашиш учун АҚШнинг «Мерси», «Колумбия», «Жозеф», Питсбург, Коллстейшн, Лос Анджелес, Анахейм клиникаларида, Англиянинг «Вестерн-Ай», «Илохий Мария» клиник шифохонасида Лондон, Франция миллий офталмология марказида (Париж), Шотландиянинг Данди шаҳридаги Найнвелс клиникасида, Индонезиянинг Денпассар шаҳридаги Ай клиник шифохонаси, Австралиянинг Мелбурн шаҳридаги Хоней клиник шифохонасида, Япониянинг «Сато» (Токио), Жанубий Кореянинг «Саломатлик марказида» (Сеул), Малайзиянинг «Тун Хусайн» (Куала Лампур), Ҳиндистоннинг кўз микрохирургия марказида (Нью Дехли), Дехлидаги Ашвани Жайн кўз микрохирургия марказида, Покистоннинг Офтальмология институтида (Карачи), Лахор тиббиёт институти, Санкт-Петербургдаги МНТК микрохирургия марказида бўлган.

2019 йилда Ўзбекистондан инсонпарварлик ёрдами сифатида Хитойнинг Циньзян уйғур автоном вилоятининг Хотан районида 193 та операция ўтказишда қатнашиб Ўзбекистон офтальмологияси ютуқлари тўғрисида маъруза қилган, Беларус, Арманистон, Грузия, Тожикистон офтальмологларига Ксенотрансплантатни офтальмологияда қўллаш бўйича маҳорат дарслари (мастер класс) ўтказган.

Афғонистон, Хитой, Исроил, Швейцария, Литва, Москвадаги академик С.Н.Федоров номидаги илмий микрохирургия марказида Гельмгольц номли кўз касалликлари институтида ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларидаги халқаро конференция ва съездларида маърузалар қилган.

Тиниб тинчимас олим 2022 йил сентябрь-октябрь ойларида Тожикистон Республикасининг Душанбе, Хўжанд шаҳарлари офталмологлари билан мулоқатда бўлиб, маърузалар ўқиб қайтди. Грузиянинг Тбилиси тиббиёт, Озорбайжоннинг Боку тиббиёт университети офталмология

кафедралари профессор-ўқитувчиларига ўзининг ихтироси кинотрансплантатни қўллаш бўйича маърузалар қилди.

Р.О.Мухаммадиев ўзининг меҳнат фаолиятини жамоатчилик ишлари билан бирга олиб бориб 1984 йил Денов туман кенгаши, 2004 йил Сурхондарё вилоят кенгаши депутати, 1999 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлиб сайланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан 2001 йил Ўзбекистон Қахрамони олий унвони берилиб, олтин юлдуз медали билан, 1999 йил Ўзбекистон фахрий фуқароси медали ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15, 20 ва 25 йиллиги эсдалик нишонлари, Соғлиқни сақлаш аълочиси кўкрак нишони, Россия техника фанлари академиги Чижиков медали, Буюк Британия Кембридж биографик марказининг 2006 йил – Дунёнинг энг яхши врачлари танлови ғолиби олтин медаллари билан мукофотланган. БМТ Юнесконинг «Келажак билан мулоқот» бўлими аъзоси, 2 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан-Техника маркази танлови ғолиби бўлган.

Ихтиро қилинган ксенотрансплантатни амалиётда қўллаш бўйича 2 та докторлик, 3 та номзодлик ва 10 та магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

2002 йил Ўзбекистон Миллий энциклопедиясига киритилган. 2006 йил АҚШ да 1858 йилдан буён чоп этиб келинаётган «Дунёда ким бор, ким?» энциклопедиясига киритилган 2006-2014 йиллар Тошкент тиббиёт академиясининг ихтисослаштирилган илмий кенгаши аъзоси. 2000-2004 йиллар Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси ижтимоий ва бандлик қўмитаси аъзоси, 2004-2009 йиллари Сурхондарё вилояти кенгашиининг ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, 2005-2008 йиллари Сурхондарё вилояти маҳаллий сайлов комиссияси раиси вазифаларини бажарган.

53 йиллик фаолияти давомида 1 млн дан ортиқ беморларни кўриб даволаган, шу жумладан 40 000 та операция ўтказган.

Р.О.Мухаммадиев 3 та бадиий (“ Тақдир тухфалари”, “Ҳаёт сабоқлари” “Сўзсиз севги” қиссаси) китоблари муаллифи.

*Тошкент Тиббиёт Академиясининг Термиз филиали жамоаси,
Самарқанд давлат тиббиёт университети жамоаси.*